**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**
Ўзбекистон Республикаси Оила ва
Хотин-қизлар давлат қўмитаси
раисининг биринчи ўринбосари
__________ О. Парпибоева
"11" август 2022 йил

**Вакант лавозимларига ишга қабул қилиш, ходимларни бошқа лавозимга ўтказиш бўйича Танлов комиссияси**
**9-БАЁНИ**

**Тошкент шаҳар** **2022 йил "11" август**
Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси
Кичик мажлислар зали

**Танлов комиссияси раиси:** **О.Парпибоева** -Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари

**Комиссия аъзолари:** **М.Нурматова –** Бошқарма бошлиғи
**М.Низамова –** Бошқарма бошлиғи в.б.
**З.Искандарова** – Бошқарма бошлиғи, Касаба уюшмаси раиси
**Н.Матякубова** – Юридик бўлим бошлиғи

**Таклиф этилганлар:** **Х.Имомов** -Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги масъул ходими.

**Комиссия котиби:** **И.Тлеубергенова**–Инсон ресурслари ва комплаенс назорат бўлими бош мутахассиси

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. **Ташкилий назорат ва таҳлил бошқармаси бош мутахассиси лавозимига ўтказилган суҳбат якунлари тўғрисида.**
2. **Тадбиркорликни ривожлантириш, бандликни таъминлашга кўмаклашиш, касб-ҳунарга ўқитишни ташкил этиш бошқармаси етакчи мутахассиси лавозимига ўтказилган суҳбат якунлари тўғрисида.**

Ташкилий назорат ва таҳлил бошқармаси бош мутахассиси, Тадбиркорликни ривожлантириш, бандликни таъминлашга кўмаклашиш, касб-ҳунарга ўқитишни ташкил этиш бошқармаси етакчи мутахассиси лавозимларига https://vacancy.argos.uz сайтида жорий йилнинг 2 август куни куни очиқ танлов эълон қилинди.

Ташкилий назорат ва таҳлил бошқармаси бош мутахассиси лавозимига 51 та, Тадбиркорликни ривожлантириш, бандликни таъминлашга кўмаклашиш, касб-ҳунарга ўқитишни ташкил этиш бошқармаси етакчи мутахассиси лавозиммига 25 та аризалар келиб тушди.

Жами 76 нафар номзодлар ичидан малака талабларига мос келган 6 нафар номзодлар саралаб олинди ва танловнинг суҳбат босиқичига ўтказилди.

Малака талабларига мос келган 6 нафар номзодларга суҳбат босқичига ўтганлиги ҳақида хабардор қилинди.

Рўйхатлар илова қилинади.

Барча номзодларга танлов комиссия аъзолари томонидан соҳага оид саволлар берилди.

Хусусан, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги ПФ-87-сонли Фармони мазмун-моҳияти тўғрисида нималарни биласиз?

Миллий дастур ҳақида нималарни биласиз?

Хотин-қизларнинг тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича қандай имтиёзлар бор?

Фуқаролар мурожаати билан ишлаш тизими тўғрисида маълумот беринг?

Шунингдек, Президентимизнинг “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мазмун моҳияти тўғрисида саволлар берилди.

Танлов комиссияси танлов иштирокчиларининг саволларга тўғри ва аниқ жавоб бериши, уларнинг иш тажрибаси, соҳавий билимини эътиборга олиб **қарор қилади**:

1. **Ташкилий назорат ва таҳлил бошқармаси бош мутахассиси лавозимига** номзодлар Шермухамедов Хайриддин Сайфутдинович ва Хожийев Шукуруллохон Ибрагимович суҳбат жараёнида иштирок этмагани учун, шунингдек Қаюмов Азизжон Собиржонович бошқарув соҳасида етарли тажрибага эга эмаслигини инобатга олиб танловдан ўтмади деб ҳисоблансин.

2. Ташкилий назорат ва таҳлил бошқармаси бош мутахассиси лавозимига Комиссия аъзолари томонидан номзодлар тавсия этилмагани учун **қайта эълон берилсин**.

3. **Тадбиркорликни ривожлантириш, бандликни таъминлашга кўмаклашиш, касб-ҳунарга ўқитишни ташкил этиш бошқармаси етакчи мутахассиси** лавозимига номзодлар Ҳасанов Ўктам Абдуллайевич ва Ибрагимов Сухроб Гуломович бошқарув соҳасида етарли тажрибага эга эмаслигини, саволларга аниқ жавоб бермаганлигини инобатга олиб танловдан ўтмади деб ҳисоблансин.

4. **Тадбиркорликни ривожлантириш, бандликни таъминлашга кўмаклашиш, касб-ҳунарга ўқитишни ташкил этиш бошқармаси етакчи мутахассиси** номзод **Ражабов Саиджон Хурсаналийевич** бандлик соҳасида етарлича иш тажрибасига, саволларга тўғри ва аниқ жавоб берганлигини инобатга олиб ушбу лавозимга **тавсия этилсин**.

Танлов комиссияси аъзолари: ________________ О.Парпибоева

________________ М.Низамова

________________ М.Нурматова

________________ З.Искандарова

________________ Н.Матякубова

Танлов комиссияси котиби: ________________ И.Тлеубергенова